

Раҳматова Наргиза Ағзамхоновна,
 Ўзбекистон Миллий университети
 "Макроиқтисодиёт" кафедраси катта
 ўқитувчиси

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ЖАҲОН АМАЛИЁТИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

УДК: 338.2

DOI: 10.34920/EIF/VOL_2022_ISSUE_10_4

**РАҲМАТОВА Н.А. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ
 ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ЖАҲОН АМАЛИЁТИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ
 ИМКОНИЯТЛАРИ**

Мақолада миллий иқтисодиёт тармоқ таркибини диверсификациялаш борасидаги илмий қарашлар эволюцияси ўрганилиб, жаҳон амалиётида кенг фойдаланилаётган моделлардан мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, диверсификация, горизонтал диверсификация, вертикал диверсификация, макроиқтисодий самара, таркибий силжишлар, минтақавий силжишлар.

**РАҲМАТОВА Н.А. ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МИРОВОЙ ПРАКТИКИ
 ДИВЕРСИФИКАЦИИ ОТРАСЛЕВОЙ СТРУКТУРЫ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА**

В статье рассматривается эволюция научных взглядов на диверсификацию отраслевой структуры национальной экономики, выявлены возможности практического использования широко применяемых в мировой практике моделей.

Ключевые слова: национальная экономика, диверсификация, горизонтальная диверсификация, вертикальная диверсификация, макроэкономическая эффективность, структурные сдвиги, региональные сдвиги.

**RAHMATOVA N.A. OPPORTUNITIES OF IMPLEMENTATION THE INTERNATIONAL PRACTICE OF
 SECTORAL STRUCTURE DIVERSIFICATION IN UZBEKISTAN**

The article is devoted to the evolution of theoretical views of the national economics structural diversification, discussed the opportunities of using models widely implementing in international practice in the economy of Uzbekistan.

Key words: national economy, diversification, horizontal diversification, vertical diversification, macroeconomic efficiency, structural shifts, regional shifts.

Кириш.

Замонавий иқтисодий муносабатлар тизимида миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Миллий иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан тузилиши ва унинг ташкил топиши кўп жиҳатдан мамлакатнинг танлаб олган иқтисодий ривожланиш моделiga боғлиқ бўлади. Тараққий этган мамлакатларнинг миллий иқтисодиётлари таркибини диверсификациялаш амалиётига таянган ҳолда айтиш мумкинки, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ушбу мамлакатлар иқтисодиётини ҳом ашёга ихтисослашган иқтисодий муносабатлар тизимидан буғунги кунда интеллектуал, илм-фан сиғимкорлиги юқори бўлган иқтисодий тармоқларни шакллантириш ва уларни ривожлантиришга эришилган.

Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлиги даражасини оширишда миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш ва уларни модернизациялаш ишларини амалга оширилишини давлат томонидан қўллаб-қувватланишига Ҳаракатлар стратегиясида ҳам катта эътибор қаратилган¹. Ушбу ҳолат кейинги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт тармоқ таркибини диверсификациялаш жараёнларини жадаллаштиришда илфор хориж амалиётидан ижодий фойдаланиш имкониятларини аниқлаш зарурятини оширади.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиёт тармоқ таркибини диверсификациялашнинг илмий назарий асослари ва илфор хориж амалиётини қиёсий таҳлил этиш асосида мамлакатимизда диверсификацион жараёнларни жадаллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гурухлаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони. - <https://lex.uz/docs/5841063>

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Маҳаллий олимлардан А.В. Вахабов, Т. Жўраев, Н. Тўхлиев, С.А. Абдуллаев, У.А. Мадраҳимов, Т.У. Нуримбетов, А.А. Маманазаров² ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялашнинг назарий асослари, диверсификациялаш жараёнларини намоён бўлиш хусусиятлари ва уларнинг турларининг мазмун-моҳияти ёритилган. Бозор муносабатлари шаклланиши даврида Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар³ ҳам чуқур таҳлил этилган. Аммо, мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг тармоқ таркибини диверсификациялаш жараёнлари самарадорлигини илфор хориж амалиётидан фойдаланган ҳолда ошириш комплекс ҳолатда, тадқиқот обьекти сифатида таҳлил этилмаган.

Асосий натижалар.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасига кўра, диверсификация атамасининг тор ва кенг маънодаги таърифлари мавжуд. Кенг маънода диверсификация – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан (фирма) ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг номенклатурасини кен-

² Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiev Sh.X., Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. –Toshkent: Baktria press, 2015. - 584 b; Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия. 2018. – 624 б.; Тўхлиев Н. Тараққиётнинг ўзбек модели. Монография. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 2012. – 180 б.; Абдуллаев С.А. Миллий маҳсулот ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг назарий-услубий асосларини тақомиллаштириш // Иқт. фан. док. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТМИ. 2018 – 67 б.; Мадраҳимов У.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор ўсиш сифатини ошириш. // Иқт. фан. док. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ТДИУ. 2017 – 69 б.; Нуримбетов Т.У. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). // Иқт. фан. б-ча фалсафа док. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т. 2019 – 53 б.; Маманазаров А.А. Миллий бойлик таркибий қисмларини диверсификациялашнинг назарий асослари. // Иқт. фан. б-ча фалсафа док. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: ЎзМУ. 2022 – 56 б.

³ Муминов Н.Г. Бозор муносабатлари шаклланиши даврида Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар. 08.00.01. – «Иқтисодий назария» ихтинослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. 2001 – 20 б.

гайтириш билан бир қаторда, фирма фаолиятини географик, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишига ихтисослашувининг янги йўналишларига мослашуви, янги фаолият турларини ўзлаштирилиши каби йўналишларда кенгайиши билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда, фирма фаолиятининг бир тармоқдан бошқа бир тармоқдаги фаолиятини ҳам йўлга қўйилиши назарда тутилади¹.

Тор маънода диверсификация атамаси корхона капиталининг унинг фаолият тури билан бевосита боғлиқ бўлмаган, унинг ишлаб чиқариш жараёнига алоқаси йўқ бўлган тармоқларга кириб боришини англаатади².

Диверсификация атамасининг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, узоқ муддатли даврда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш жараёнида танланган тармоқларнинг рақобатбардошлигини ҳам инобатга олиш зарур. Шу билан бирга, танланган тармоқда диверсификациялаш жараёнини амалга ошириш йўналишларини ҳам аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқтисодиёт тармоқларининг диверсификациялашнинг йўналишлари, эришилган натижалар ва самарадорлик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда уни ривожланиш босқичларини қўйидаги тўрт босқичга ажратиб ўтдик:

– биринчи босқич бу XIX асрнинг охиридан то 1920 йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олиб, оммавий ишлаб чиқариш босқичи деб аталади. Ушбу босқичда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш соҳасида ихтисослашувни рағбатлантиришга катта эътибор қаратилиб, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви жараёни вужудга келади ва тармоқларда ички капиталнинг марказлашувига эришилади. Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга сарфланаётган харажатлар ҳажми

¹ Базовые модели стратегического планирования/ А.П. Петров, С.М. Климов, Г.А. Буренина/ Известия Санкт-Петербургского университета экономики и финансов[Текст]. - 1998 - №2. - С. 19-26; Аронов А.М. Диверсификация производства: теория и стратегия развития./А.М. Аронов, А.П. Петров- СПб.: Лениздат[Текст], 2000. -128 с.

² Booz, Allen, Hamilton, Booz Allen, Hamilton. Diversification. A Survey of European Chief Executives / New York: Booz, Allen and Hamilton [Текст], 1985. – Р. 378

қисқариб, товар ва хизматлар бозори ривожланиб боради;


– иккинчи босқич оммавий маҳсулот сотиш даври деб аталиб, 1920 йилларнинг охириларидан то 1950 йилнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу босқичда саноат тармоқларида капиталнинг концентрациялашуви вужудга келиб, мамлакатлар иқтисодиётининг етакчи тармоқларида капиталнинг ҳаддан зиёд жамланиши намоён бўлиб, товарлараро ва тизимли рақобат ривожланган. Натижада тармоқ бозорлари шаклланиб, маҳаллий ва тармоқ бозорларининг кўлами кенгайиб борган. Ушбу босқичда диверсификация жараёнлари горизонтал шаклда амалга оширилган бўлиб, маҳсулот (товарлар) диверсификациясига ҳам эътибор қаратилган;

– постиндустриал жамият босқичи 1950 йилларнинг ўрталаридан бошланиб XX асрнинг охириларида бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу босқичда айрим мамлакатларда диверсификация жараёнларига устуворлик қаратилиши асосида саноат тармоқларининг жадал ривожлантириш натижасида капиталнинг ҳаддан зиёд жамланиши кўзга ташланади. Натижада ушбу мамлакатлар томонидан нисбатан паст ривожланиш кўрсаткичига эга бўлган мамлакатларга капиталнинг экспорти амалга оширилди. Шу билан бирга, жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, глобал миқёсда рақобат муҳити шаклланди ва ривожланди. Халқаро интеграция жараёнлари чуқурлашиб, жаҳон миқёсида мультиплектив самарадорликка эришила бошланди;

– иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнларининг ривожланишининг сўнгги босқичи XX асрнинг охириларидан то бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олиб, ушбу босқич иқтисодий адабиётда ахборот ва компьютер технологиялари даври деб номланади. Бу даврда халқаро бозорлар шаклланиб, ривожланиш тенденциясига эга бўлиб, рақобат жараёнлари халқаро миқёсда чуқурлашди.

Миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялашнинг ривожланиш босқичлари таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда диверсификация жараёнларининг намоён бўлиши, тури, шакли, ривожланиш йўналиши ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш стратегияси билан алоқадорлигини инобатга олган

1-расм. Миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш жараёнларининг гурухланиши¹.



ҳолда турли гурухларга ажратиш мумкин бўлади (1-расмга қаранг)

Фикримизча, миллий иқтисодиётни диверсификациялаш амалиёти турли йўналишларда горизонтал ва вертикал шаклда амалга оширилиши мумкин (1-жадвалга қаранг).

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки, диверсификация жараёнларини амалга ошириш кўлами нуқтаи назаридан микро, макро ва мезо даражаларга ажратиш мумкин бўлади. Микро диверсификация корхона миёсида амалга оширилса, макро диверсификациялаш мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқлари миёсидаги жараён ҳисобланади.

Глобал миёсда халқаро бозорларга кириб бориш ўз навбатида мега даражадаги диверсификациялашни назарда тутади (2-расмга қаранг).

Иқтисодий адабиётда мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқларини диверсификациялаш даражасини баҳолашда ҳудудий ёндашувлардан ҳам кенг фойдаланилади. Бу орқали мамлакат, жумладан унинг ҳудудлари кесимида ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш, уларнинг ихтисослашви ва ишлаб чиқариш тармоқларини диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган давлат дастурларининг самарадорлигига комплекс баҳо бериш имконияти вужудга келади (3-расмга қаранг).

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

1-жадвал. Миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификациялаш матрицаси¹

	Ички ривожланиш	Ташқи ривожланиш
1	2	3
Бозор	Горизонтал диверсификация	
Концентрик	Айнан бир бозор, тегишли истеъмолчилар гурӯҳи учун мўлжалланган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш	Айнан бир бозор, тегишли истеъмолчилар гурӯҳи учун мўлжалланган товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналарни сотиб олиш
Конгломерат (соф)	Бозорлардаги мавжуд товар ва хизматлардан тубдан фарқ қилувчи янги инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш	Бошқа харидорлар ва бозорларга товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни сотиб олиш
Технология:		
Концентрик	Ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси ўхшаш бўлган янги турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш	Техник ва технологик жиҳатдан ўхшаш бўлган бошқа корхоналарни сотиб олиш
Конгломерат (соф)	Ишлаб чиқарышнинг техник-технологик жиҳатидан кескин фарқ қилувчи янги турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш	Янги турдаги техника ва технологиялардан фойдаланаётган бошқа корхоналарни сотиб олиш
Вертикал диверсификация		
Тўғридан тўғри	Ўзаро ўхшаш ёки турли хил товарларни реализация қилиш ҳажмини ошириш мақсадида сотиш тармоқларини ривожлантириш	Истеъмолчиларга турли хил товар ва хизматларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналарни сотиб олиш
Акс (тескари) йўналишдаги	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва бошқа деталларни ўзида мужассамлаштирган корхонани шакллантириш	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган хом-ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва бошқа деталларни етказиб бериш билан шуғулланадиган корхоналарни сотиб олиш

Жаҳон амалиётида қўлланиладиган усуllibардан бири бу таркибий силжишлар (shift-share analysis) усули ҳисобланади. Ушбу усуlda аҳоли даромад манбалари ёки бандлик даражасининг худудлар кесимида тармоқ таркибини таҳлил қилиш орқали худудлар (минтақалар) кесимида ишлаб чиқариш тармоқларини диверсификациялаш даражасига баҳо берилади. Бунда ўрганилаётган минтақанинг (худуднинг) макро даражадаги қуйидаги ҳолатларига баҳо бериш мумкин бўлади²:

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

² Михеева Н.Н. Структурные факторы региональной динамики: измерение и оценка / Н.Н. Михеева// Пространственная экономика. – 2013. – № 1. – С. 11–32.

- миллий компонент (макроиқтисодий самара);
- тармоқ таркиби компоненти (таркибий силжишлар);
- минтақавий компонент (минтақавий силжишлар).

Жумладан, иқтисодий адабиётда "Энтропия" ва "Герфиндал" коэффициентлари орқали мамлакат иқтисодиёти таркибининг диверсификациялашуви даражасини ҳисоблаш бошқа усуllibарга нисбатан соддалиги билан ажralиб туради. Аммо олинган натижалар миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш жараёнларини комплекс баҳолаш имконини бермайди.

Жаҳон мамлакатларида миллий иқтисодиёт таркибини диверсификация қилиш мақсадида

2-расм. Диверсификация жараёларининг даражалари¹.



3-расм. Миллий иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш жараёнини комплекс баҳолаш услубиёти².



амалга оширилган иқтисодий сиёсат йўналишлари ва уларнинг устуворликларидан келиб чиқсан ҳолда, АҚШ, Европа ва Осиё-Тинч океани ҳудуди моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин (4-расмга қаранг). Бу турдаги гурухлашни амалга оширишда мамлакатларда иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш мақсадида амалга оширилган иқтисодий ва молиявий сиёсат йўналишлари инобатга олингандан.

Хулосалар.

Мамлакатимиз амалиётида миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялаш жараёнида юқорида келтирилган моделларга хос бўлган қўйидаги хусусиятлардан фойдаланиш имконияти мавжуд деб ҳисоблаймиз:

– ишлаб чиқариш тармоқларини инновацион ривожлантиришга қаратилган илмий

фундаментал ва амалий тадқиқотларни кенг кўламда ўтказишни таъминлаш;

– ИТТКИни ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш;

– илм-фан соҳасида эришилган ютуқларни ишлаб чиқариш соҳасига татбиқ этишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш;

– мамлакатда ички рақобат муҳитини ривожлантиришга оид қонуний меъёrlарни қайта кўриб чиқиш;

– монопол корхоналар фаолияти самарадорлиги устидан қатъий назорат ўрнатиш ва бу турдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нархи, сифатини мониторинг қилиб бориш;

– халқаро стандартларга таянган ҳолда миллий рақобатбардошлик даражасини баҳолаш имконини берувчи индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш;


– инновацион, янги турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг номенклатурасини кенгайтириш ва ҳ.к.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

² Михеева Н.Н. Структурные факторы региональной динамики: измерение и оценка / Н.Н. Михеева // Пространственная экономика. – 2013. – № 1. – С. 11–32. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

4-расм. Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификация қилиш моделлари¹.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Базовые модели стратегического планирования/А.П. Петров, С.М. Климов, Г.А. Буренина/ Известия Санкт-Петербургского университета экономики и финансов [Текст]. - 1998 - №2. - С. 19-26; Аронов А.М. Диверсификация производства: теория и стратегия развития. / А.М. Аронов, А.П. Петров- СПб.: Лениздат[Текст], 2000. -128 с.
3. Booz, Allen, Booz Allen, Hamilton. Diversification. A Survey of European Chief Executives / New York: Booz, Allen and Hamilton [Текст], 1985. – Р. 378
4. Михеева Н.Н. Структурные факторы региональной динамики: измерение и оценка / Н.Н. Михеева// Пространственная экономика. – 2013. – № 1. – С. 11–32.
5. Муминов Н.Г. Бозор муносабатлари шаклланиши даврида Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар. 08.00.01. – «Иқтисодий назария» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. 2001 – 20 б.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.